



ХУДОЙНАЗАРОВ Фахриддин

Имом Термизий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
илмий ходими
faxriolam@gmail.com

«ШАМОИЛ АЛ-МУҲАММАДИЯ» АСАРИГА ЁЗИЛГАН ШАРҲЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

КОММЕНТАРИИ, НАПИСАННЫЕ К ПРОИЗВЕДЕНИЮ «ШАМАИЛ АЛ-МУХАММАДИЯ» И ИХ ОСОБЕННОСТИ

COMMENTARIES WRITTEN ON THE WORK “SHAMAIL AL- MUHAMMADIYA” AND THEIR FEATURES

Аннотация. Ушбу мақолада Имом Термизийнинг “Шамойл ал-Муҳаммадия” номли асари ҳақида илмий таҳлиллари берилган. Шунингдек, асарнинг турли шарҳлари ҳақида сўз юритилади. “Шамойл ал-Муҳаммадия”га битилган шарҳлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот берилади.

Калит сўзлар: Мурсал, ал-Кутуб ас-Ситта, нақл, Ҳадис, Жомеъ, иснод, ровийлар, Муттасил, Сунав, Табақот, Шамойл ал-Муҳаммадия, муҳаддис.

Аннотация. В данной статье представлен научный анализ произведения Имама Тирмизи под названием «Шамойл аль-Мухаммадия». В статье говорится о различных интерпретациях произведения «Шамойл аль-Мухаммадия». Дана подробная информация о комментариях, написанных на произведение, и их особенностях.

Ключевые слова: Мурсал, аль-Кутуб ас-Ситта, проедание, Ҳадис, Джаме, иснад, рассказчики, Муттасил, Сунав, Табакат, Шамойл аль-Мухаммадия, муҳаддисы.

Abstract: This article presents a scientific analysis of the work “Shamail al-Muhammadiya” Imam Tirmidhi. The article talks about the various interpretations of the work “Shamail al-Muhammadiya”. Detailed information will be given about the commentaries written on the work and their features.

Keywords: Mursal, al-Kutub al-Sitta, narration, Hadith, Jame, isnad, narrators, Muttasil, Sunan, Tabaqat, Shamail al-Muhammadiya, muhaddith.

КИРИШ

Ислол оламининг нодир дурдоналаридан бири бўлган Имом Термизийнинг «Шамойл ал-Муҳаммадия» асари, нафақат ҳадис илмининг ёрқин намунаси, балки инсоният тарихидаги энг буюк шахс — Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти ва шахсиятини чуқур англашга ёрдам беради. Ушбу асар, билим ва маънавий кадрларни ўрганишнинг инсоният учун муҳим аҳамиятини намоён этади

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2024 йил 15 августда қабул қилинган ПҚ-292-сонли қарорига асосан, 2024 йилнинг октябрь ойида буюк муҳаддис Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги кенг миқёсда нишонланади. Тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган [1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Юбилей доирасида амалга оширилаётган энг муҳим лойиҳалардан бири Имом Термизийнинг «Шамойл ал-Муҳаммадия» ва «Сунани Термизий» асарларининг кўп жилдли академик нашрини тайёрлаш ва чоп этиш бўлади. Таржима ва шарҳлар мотуридийлик ақидалари ва ҳанафийлик мазҳаби асосида асосида тайёрланади.

Буюк муҳаддис Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (824-892) ўз даврининг етук олимларидан бири бўлган. У «Сунан ат-Термизий» номли машҳур ҳадис тўплами муаллифи сифатида танилган бўлса-да, муаллифнинг ушбу китоби унинг энг сеvimли ва нозик асари ҳисобланади [2]. Имом Термизий бу асар орқали бизга Муҳаммад (с.а.в.)ни янада яқинроқдан таниш, у зотнинг буюк шахсиятларини чуқурроқ англаш имконини

беради. «Шамои́л ал-Муҳамма́дия» китоби асрлар давомида олимлар, адиблар ва оддий кишилар қалбида алоҳида ўрин эгаллаб келган.

Қуйида Ислом оламидаги машҳур олимларнинг асар ҳақидаги эътирофларини келтиришни лозим топдик:

Машҳур Мисрлик олим, ал-Азҳар университетининг шайхи, Иброҳим ал-Божурий (1784-1860) «Ал-Мавоҳиб ал-ладуния» (илоҳий инъомлар) асарида «Шамои́л ал-Муҳамма́дия» асарини қуйидагича тавсифлайди: «Имом Термизийнинг «Шамои́л» китоби ўз соҳасида ягона, қамрови жиҳатидан ўхшаш ийқ асардир. Ҳеч ким унга ўхшаш ёки шунга яқин асар ёзмаган. Муаллиф унда ажойиб услуб қўллаган ва уни сара хабарлар ва турли асарлар билан беаган. Шу сабабли бу китоб Шарқу Ғарбга тарқалган»[3:7].

Аҳмад Абдулжавод ад-Давмий, «ал-Итҳофот ар-раббония би-шарҳ аш-Шамои́л ал-Муҳамма́дия» асарида, уни қуйидагича тавсифлайди: «Муҳаммаднинг (с.а.в.) шамоиллари ва ахлоқлари ҳақида ёзилган энг яхши асарлардан бири Термизийнинг қисқа ва жомеъ китобидир. Бу китобни ўқиган киши гўё унинг нурли юзларини кўргандек бўлади ва ҳар бир бобда унинг шарафли фазилатларини кўради» [4:18].

Асар кўплаб шарҳлар, таржималар ва тадқиқотларга асосий манба саналган. Бундан ташқари, Имом Термизийнинг «Шамои́л» асари ҳақида фикр билдирган манбаларнинг барчаси бу китобга ёзилган шарҳлардир», десак муболага бўлмайди. Асарнинг бошқа шарҳларининг рўйхати Фихрист китобларида келтирилган.

Олимларнинг саъй-ҳаракатлари фақат китобнинг ибораларини шарҳлаш билан чекланиб қолмай, балки китобнинг муаллифидан ёки уни эшитган ва ривоят қилишга ижозат олган кишилардан ривоят қилиш ижозатини олиш йўллари излашга етиб борган.

«Шамои́л ал-Муҳамма́дия» асари илмий манбаларда нақадар муҳим ва машҳур бўлгани, асарни кўплаб олимлар уни шарҳлагани, таржима қилгани ва ҳатто назмга солганидан мулоҳаза қилса бўлади. Бу асар Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти, хулқ-атвори ва хусусиятлари ҳақида муҳим манба ҳисобланади.

Исмоил Пошо ал-Бағдодий 19-аср охири - 20-аср бошларида яшаган машҳур библиограф ва тарихчи олим ўзининг «Ийзоҳ ал-макнун фи-з-зайл ала Кашф аз-зунун» («Кашф аз-зунун» китобига қўшимча бўлган яширин нарсаларнинг ойдинлаштирилиши») асарида «Шамои́л ал-Муҳамма́дия» » асарининг қуйидаги шарҳларини келтирган:

1. Бахший Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Ҳалабий шарҳи: «Баҳжат ал-ахбор»;

2. Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Байжурий шарҳи: «ал-Мавоҳиб ал-ладуния ала аш-Шамои́л ал-Ал-Муҳамма́дия» ;

3. Исмоил ибн Муҳаммад ал-Жарроҳий шарҳи: «Асна ал-васоил»;

4. Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Жасус ал-Мағрибий шарҳи: 1200 ҳижрий йилда яқунланган;

5. Ҳасан ибн Муҳаммад ар-Румий ан-Накшбандий (ваф. 1282) шарҳи;

6. Убайдуллоҳ ал-Азҳарий ал-Ҳамдуний шарҳи;

7. Саид ибн Аби Саид Муҳаммад ал-Ходимий шарҳи;

8. Сулаймон ибн Умар ал-Жамал шарҳи;

9. Абдуллоҳ ибн Ҳажжорий аш-Шарқовий шарҳи;

10. Абдурахмон ибн Аҳмад ад-Димашкий ас-Санодикий (ваф. 1164) шарҳи;

11. Муҳаммад Шокир ибн Али ал-Аққод ал-Файюмий (ваф. 1202) шарҳи;

12. Абдуллоҳ Нажиб ал-Айнтобий шарҳи;

13. Аҳмад ибн Хайруддин ал-Кузалҳисорий ар-Румий (ваф. 1120) шарҳи;

14. Саййид Маҳмуд ад-Димашкий Ибн ал-Муваккиъ шарҳи;

15. Муҳаммад ибн Саййид Муҳаммад ал-Ҳусайний ан-Найризий ҳошияси: 855 ҳижрий йилда вафот этган [5:54].

Юқорида номи тилга олинган Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Жасус ал-Мағрибий шарҳи ҳақида, Исмоил Пошо ал-Бағдодий: «Жасус ал-Фосий куняси билан танилган, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Фосий ал-Мағрибий ал-Моликийнинг (тах.ваф. 1142 /1729 йил), «ал-Фавоид ал-жалия ал-баҳия фи шарҳ аш-Шамои́л ал-Ал-Муҳамма́дия» (Муҳаммад шамоилларини шарҳлашда ёрқин ва

гўзал фойдалар) номли китоби бор. Бу асар бир жилдда Мисрда чоп этилган», дейди [6:320].

Энди «Шамойл ал-Муҳаммадия» асарининг баъзи шарҳларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритсак, уларни машҳурлик даражасида келтириб ўтамиз:

1. Мулла Али ал-Қорий (ваф.1014/1605 йил), «Жамъ ал-Васоил фи Шарҳ аш-Шамойл» асарини тасниф этган [7:1059].

Асар энг машҳур ва кенг тарқалган шарҳлардан бири.

– Ҳар бир ҳадисни батафсил таҳлил қилади.

– Лингвистик, фикҳий ва ақидавий масалаларни муҳокама қилади.

– Бошқа манбалардан қўшимча маълумотлар келтиради.

– Муаллифнинг кенг билими ва чуқур тушунчасини намойиш этади.

2. Ибн Ҳажар ал-Ҳайтабий (909/1504 - 974/1567), «Ашраф ал-Васоил ила Фаҳм аш-Шамойл» асарини тасниф этган. Муаллиф шофиъий мазҳабининг етакчи олимларидан бўлган. Шарҳда фикҳий масалаларга ҳам эътибор қаратилган.

– Ибн Ҳажар ал-Ҳайтабий Термизийнинг асаридаги ҳар бир ҳадисни батафсил шарҳлаган.

– Муаллиф шофиъий мазҳабининг етук олими сифатида, ҳадисларни фикҳий нуктаи назардан ҳам таҳлил қилган.

– Асарда ҳадисларнинг лафзий маъноларига алоҳида эътибор қаратилган, мураккаб сўз ва ибораларнинг шарҳи берилган.

– Ҳадис илми қоидаларининг қўлланилиши: Муаллиф ҳадисларнинг санадини (ровийлар занжирини) ва матнини ҳадис илми қоидалари асосида таҳлил қилган.

– Ибн Ҳажар ўз шарҳида бошқа ҳадис тўпламларидаги ўхшаш ривоятларни келтириб, уларни таққослаган.

– Муаллиф баъзи ҳадисларни шарҳлашда тасаввуфий маъноларга ҳам эътибор қаратган.

3. Юсуф ан-Набҳоний (1265/1849 - 1350/1932), «Васоилул вусул ило Шамойл ар-Расул солаллоҳу алайҳи вассаллам» асарини тасниф этган. Китоб бир муқаддима, 8 та боб ва хотимадан иборат:

– Муқаддима: «Шамойл» сўзининг маъноси ва шамойлларни жамлашдан кўзланган мақсадлар ҳақида.

– 1-боб: Пайғамбар алайҳиссаломнинг насаби ва исмлари ҳақида.

– 2-боб: Пайғамбар алайҳиссаломнинг жисмоний сифатлари ҳақида.

– 3-боб: Пайғамбар алайҳиссаломнинг кийимлари, ётоқлари ва қуроллари ҳақида.

– 4-боб: Пайғамбар алайҳиссаломнинг овқатланиши, ичиши ва уйқуси ҳақида.

– 5-боб: Пайғамбар алайҳиссаломнинг ахлоқи, муомаласи ва бошқа сифатлари ҳақида.

– 6-боб: Пайғамбар алайҳиссаломнинг ибодати, намози, рўзаси ва Қуръон тиловати ҳақида.

– 7-боб: Пайғамбар алайҳиссаломнинг турли ҳолатлари, зикрлари, дуолари ва ҳикматли сўзлари ҳақида.

– 8-боб: Пайғамбар алайҳиссаломнинг тиббий тавсиялари, ёши, вафоти ва тушда кўриш масалалари ҳақида.

– Хотима: Муҳаммад алайҳиссаломнинг 50 та дуоси.

– Муаллиф ҳадисларнинг санадларини ва такрорларини тушириб қолдирган.

– Имом Термизийнинг «Шамойл» китобидаги ҳадисларни ўзига хос тартибда жойлаштирган.

– Бошқа манбалардан қўшимча маълумотларни киритган.

– Ғариб (тушунилиши қийин) сўзларни изоҳлаган.

– Баъзи ҳадисларда ровий саҳобийнинг исмини ва ҳадисни ривоят қилган имомнинг номини келтирган.

4. Муҳаммад Закариё Кандехлавий (1315/1898 - 1402/1982), «Хасоил Набавий шарҳи Шамойл Термизий» асарини тасниф этган.

– Асар Ҳинд субконтинентида машҳур бўлган шарҳ;

– Урду тилида ёзилган бўлиб, бу уни Ҳиндистон ва Покистонда кенг оммалашишига сабаб бўлган;

– Муаллиф «Шамойл» ҳадисларини замонавий нуктаи назардан шарҳлаган;

– Асарда тасаввуфий элементлар ҳам мавжуд;

– Муаллифнинг кенг билими ва чуқур маънавий тажрибаси асарда ўз аксини топган;

– Ҳиндистон ва Покистондаги мадрасаларда дарслик сифатида фойдаланилади;

5. Жалолиддин ас-Суютий (849/1445 - 911/1505), «Аш-Шамоил аш-Шарифа»

асарини тасниф этган. Термизийнинг асарини қисқартириб, қўшимча маълумотлар билан бойитган.

– Асар Муҳаммад алайҳис саломнинг шахсий ҳаёти, ташқи қиёфаси ва ахлоқлари ҳақидаги ҳадисларнинг тўплами бўлиб, мусулмонларга У зотни яқинроқ таниш ва ҳаётларига татбиқ этишга ёрдам беришни мақсад қилади;

– Асарда Муҳаммад алайҳис саломнинг ташқи қиёфалари (ранги, сочи, юзларининг шакли), одоблари, ёқимли хислатлари ва атрофдаги одамларга муносабатлари кенг камровда баён қилинади. Унинг ҳар бир хулқ-атвори ва ташқи кўринишидаги хусусиятлари ҳадислар асосида ёритилган;

– Асарда келтирилган ҳадислар турли манбалардан, жумладан, Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, ва бошқа ҳадис тўпламларидан олинган. Ҳар бир ҳадиснинг ишончлилики даражаси, қайси манбада келтирилгани ҳам баён қилинади;

– Асар ҳадисларни осон топиш учун алфавит тартибида жойлаштирилган. Бу ўқувчилар учун ҳадисларни қидиришни енгиллаштиради;

6. Иброҳим ал-Божурий (ваф. 1277/1860), «ал-Мавоҳиб ал-Ладунния ғала аш-Шамоил ал-Муҳаммадия» асарини тасниф этган. Асар классик услубда ёзилган батафсил шарҳ ҳисобланади.

Асарнинг мухтасар нусхаларига қуйидаги асарни келтирсак бўлади:

1. Маҳмуд Сомий, «ал-Мухтасар фи аш-Шамоил ал-Муҳаммадия» (Муҳаммад шамоиллари ҳақида қисқача баён) асарини тасниф этган [8:230]. Бу асар (1369 /1950) йилда, Қоҳирада (Миср) нашр этилган.

«Шамоил ал-Муҳаммадия» кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган бўлиб, уларнинг баъзини келтириб ўтамир:

Асарни Туркчага Аҳмад ибн Хайруддин ал-Айдиний (ваф. 1120 х.) таржима қилган.

Асарни назмга солишда кўплаб олимлар китоблар тасниф қилганлар, жумладан:

1. Мустафо ибн ал-Хусайн ал-Ҳалабий (1158 х.да тугатган).

2. Ибн Арслон Аҳмад ибн ал-Хусайн, Шихобуддин ар-Рамлий (ваф. 844 /1440 йил), «Термизийнинг «Шамоил ал-Муҳаммадия» асарининг назмга солиниши» асарини тасниф этган. Қўлёзма Бағдод вақфлари кутубхонасида, 9к, (9912) рақамда сақланади [9].

Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳабаший ўзининг «Жомий аш-шуруҳ ва-л-ҳавоший» асарида Имом Термизийнинг «Шамоил ал-Муҳаммадия» асарининг қадимги қўлёзма нусхалари: Берлинда 9634-рақамда, Кембриж иккинчида 811- рақамда, Париж биринчида 712-рақамда, ал-Қаравийинда (Фас шаҳри) 694-рақамда, ал-Эскориалда 1740-рақамда, Тунис Миллий кутубхонасида 18613-рақамда сақланаётгани, шунингдек, асар Калькуттада 1252/1836- йилда, Деҳлида 1303/1885- йилда, Лакнавада 1288/1871- йилда, Мисрда 1273/1856 ва 1280/1863- йилларда, Фасда 1310/1892- йилда нашр этилганини ҳақида маълумот бериб ўтган [10].

Имом Термизийнинг «Шамоил ал-Муҳаммадия» асари илмлар хазинасида беназир дурдона сифатида асрлар оша ўз қадр-қимматини сақлаб келмоқда. Бу асар нафақат ҳадис илми соҳасидаги муҳим манба, балки ахлоқий фазилатларни чуқур ўрганиш имконини берувчи ноёб қўлланмадир.

«Шамоил ал-Муҳаммадия» асарининг аҳамияти қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

1. Асар ишончли ҳадислар асосида тузилган бўлиб, Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) ҳақидаги маълумотларнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

2. Китоб мусулмонларга Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг ибратли ҳаётидан ўрнак олиш имконини беради.

3. Асар VII аср Арабистонидаги ҳаёт тарзи ҳақида қимматли маълумотларни ўз ичига олади.

4. Асар кўплаб шарҳлар, назмлар ва бадий асарлар яратилишига илҳом берган.

5. «Шамоил ал-Муҳаммадия» асрлар давомида турли мамлакатлар таълим муассасаларида ўқитиб келинмоқда.

ХУЛОСА

Бугунги кунда «Шамои́л ал-Муҳамма́дия» асарининг аҳамияти янада ортмоқда. Глобаллашув ва ахборот асрида миллий кадриятларни асл ҳолида сақлаб қолиш ва ёш авлодга етказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Келажакда «Шамои́л ал-Муҳамма́дия» асарини замонавий технологиялар ёрдамида янада кенгрок оммалаштириш, уни турли форматларда (аудио, видео, интерактив иловалар) тақдим этиш орқали янги авлодга етказиш муҳим вазифалардан биридир. Шунингдек, асарни турли фанлар нуқтаи назаридан (тарих, социология, психология) ўрганиш орқали янги илмий ютуқларга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Термизийнинг «Шамои́л ал-Муҳамма́дия» асари ўзининг илмий, маънавий ва тарихий аҳамияти билан маданият ва илмнинг ёрқин намунаси бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 15-августдаги “Имом Термизий таваллудининг 1200-йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-292-сон қарори <https://lex.uz/docs/-7073285>.
2. Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок, ат-Термизий, аш-Шамои́л ал-Муҳамма́дия ва-л-хасоил ал-Мустафавия, ал-Мактаба ат-тижория, Мустафо Аҳмад ал-Боз, Макка ал-Мукаррама. – Саудия.1993.
3. Иброҳим ал-Божурий, ал-Мавоҳиб ал-ладуния, Дорул минҳож лил нашр ват тавзеъ.Жидда, 2001.
4. Аҳмад Абдулжавод ад-Давмий, ал-Итҳофот ар-раббония, Матбаъатул истиқома. – Қоҳира,1961.
5. Исмоил ибн Муҳаммад ал-Бағдодий, Ийзоҳ ал-макнун фи-з-зайл ала Кашф аз-зунун, Ваколатул маориф. – Истанбул,1945 – 47.
6. Исмоил ибн Муҳаммад Амин ибн Мир Салим ал-Бобоний ал-Бағдодий ,Ҳадиятул орифийн асмоал муалифийин ва осорил мусаннифийн, Ваколатул маориф. – Истанбул, 1951. 2-Ж
7. Мустафо ибн Абдуллоҳ Ал-Қустантиний Ар-Румий Ал-Ҳанафий, Кашфу зунун ан Асома ал-кутуб вал фунун, Дорул кутубил илмия, – Байрут. 1992. 2-Ж.
8. Муҳаммад Ажжож ибн Муҳаммад Тамим ибн Солиҳ ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб, Ламаҳот фи-л-мактаба ва-л-баҳс ва-л-масодир, Муассасат ар-Рисола, – Байрут. 2001.
9. Абдулҳамид ибн Али Фақиҳий, Жухуд ал-уламо фи тасниф ас-сира ан-набавия фи-л-қарнайн ас-сомин ва-т-тосиъ ал-ҳижрийайн, Мажмаъ ал-Малик Фаҳд ли-тибоат ал-мусҳаф аш-шариф би-л-Мадина ал-Мунаввара, Саудия. 2004.
10. Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳабаший. Жомий аш-шуруҳ ва-л-ҳавоший. - Жидда: Дорул минҳож ли-н-нашр ва-т-тавзиъ, 2017.